

## БОШҚАРУВДА КОМПЕТЕНТЛИК ВА УНГА ҚҮЙИЛАДИГАН ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЛАБЛАР

*Yusupova Dildora Bekmaxamatova*

*Sirdaryo viloyati Sayxunobod tumani 2-sonli kasb-hunar maktabi psixologi.*

**Аннотация:** Мақолада замонавий раҳбар шахси компетентлигига тўхталиб, ушбу жиҳатнинг ижтимоий-психологик масалалари очиб берилган. Хусусан раҳбарнинг иродавий жиҳатлари ва унинг бошқарув фаолиятидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Раҳбар шахси баркамоллиги, қатъий характери, миллий қиёфасидан ташқари, бир қатор қобилияtlарга эга бўлишини тақазо этади. Бу эса ўз навбатида раҳбарнинг обрў қозонишига пухта негиз ҳозирлайди, лавозимнинг кейинги босқичлари учун имкон яратади, истиқбол режаларини рўёбга чиқаради. Раҳбар шахси қуйидаги қобилияtlарни тақозо этади: ташкилотчилик қобилияти, раҳбар бозор иқтисодиёти даврида ўта улдабурон, ишбилармон, мудаассаса-корхонанинг олдида турган вазифаларни мақсадга мувофиқ, сабитқадамлик билан бажариши лозим. Бунда ишлаб чиқаришни молиявий-иқтисодий масалаларини тўғри ва оқилона ташкил этиш; янги ғоялар, технологиялар, че эл тажрибаларини махаллий шароитга мослаштирган холда амалиётга тадбиқ этиш; фавқулотдаги ишлаб чиқариш муаммосини тезкорлик билан ҳал қила билиш; ўрни келганда ўринбосарлар, ёрдамчи ва ходимларнинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган холда рағбатлантириш, жазолаш, танбех бериш, эътиroz билдириш, реал ваъдалар бериш орқали муросага келтириш; тобе инсонларнинг хусусиятларини эътиборга олган холда фаолиятларини ташкил қилишга одатланиш; ишни рационал тақсимлаш; корхона истиқболи ва ходимлар ижтимоий химояси учун ҳамиша қайғуриш, ғамхўрлик қилиш.

Ирода шахс фаоллигининг шаклидир: Ирода - бу кишининг олдига қўйилган мақсадларга еришишда қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолияти ва хулқ атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз ўзини бошқариш демакдир. Ирода - бу шахс фаоллигининг алоҳида шакли, унинг хулқ-атворини ташкил етишнинг у томонидан қо”йилган мақсад билан белгиланадиган алоҳида туридир. Ирода ўзаро боғлиқлиги билан иккита вазифанинг - ундовчи ва тормозлаш вазифасини бажаради. Ундовчи вазифа кишининг фаоллиги билан тамиллайди. Ироданинг ундовчи вазифаси билан унинг тормозлаш вазифаси фаолликнинг ёқимсиз кўринишларни жиловлашда намоён бўлади.

Ирода ва таваккал кишининг таваккалчилик шароитидаги хатти-харакати ироданинг характерли кўринишларидан бири сифатида намоён бўлади. Таваккалчилик - бу субъект учун унинг чеки номалум ва муваффақиятсизликка дуч келганда мумкин бўладиган ноқулай оқибатлар хақидаги тахминлар мавжудлиги шароитидаги фаолиятнинг характеристикасидир. Иродада мотивлар ва эҳтиёжлар асосий рол ўйнайди. Интилиш-ҳали диференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан иборат фаолият мотивидир. Истак- фаолиятнинг мотиви сифатида эҳтиёжнинг етарли даражада тушуниб етилганлиги билан характ ерланади. Бунда фақат эҳтиёж обьекти емас балки уни қондиришнинг мумкин бўлган йўллари ҳам тушуниб етилади. Иродавий зўр бериш. Иродавий актнинг енг муҳим бўғинлари - қарор қабул қилиш ва уни ижро етиш кўпинча алоҳида ҳиссий ҳолатнинг иродавий зўр бериш сифатида тавсифланадиган ҳолатни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кишининг иродавий фазилатлари ва уларнинг шакллантиришда, индивидуал хусусиятларда унинг қучи ва кучсизлиги индивидуал хусусиятларининг спектрини қайд қиласи. Кучли иродага ега бўлган кишилар қўйилган мақсадларга еришиш йўлларида учрайдиган қийинчиликларни бартараф ета оладилар. Айни чоғда қатъийлик мардлик, жасурлик чидамлилик каби иродавий фазилатларни намоён қиласи.

Ироданинг ахлоқий тарбияланганлиги, агар ҳал қилувчи бўлмаса ҳам муҳим аҳамиятга егадир. Иродани мустақил тарбиялаш усуллари жуда ҳам ҳар хил бўлиши мумкин екан, лекин уларнинг ҳаммаси қуйидаги шартларга амал қилишни ўз ичига олади:

- Иродани тарбилашни нисбатан арзимас қийинчиликларни бартараф етишни одат қилишдан бошлаш керак. Олдинги унчалик катта бўлмаган қийинчиликни, вақт о”тиши билан анча катта қийинчиликларни мунтазам равища енгиб бориб, киши ўзининг иродасини машқ қилдиради ва чиниқтиради.
- Қийинчиликларни ва тўсиқларни бартараф етиш маълум мақсадларга еришиш учун амалга оширилади.
- Қабул қилинган қарор бажарилиши шарт: Қабул қилинган қарорнинг бажарилиши яна ва яна кечикирилаверса, кишининг иродаси издан чиқади. Қабул қилинган қарорларнинг мунтазам равища бажарилмаслиги киши иродасини интизомсиз қилиб қўяди.
- Агар киши узоққа мўлжалланган мақсадни олдига қўйган оқибатда узоқ истиқболни назарда тутиши лозим. Иродаси бўш одамлар ўз ишларини ташкил қила олмайдилар.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Mirziyoev Sh.M. “Taqqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-har-bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak”. O‘z.R Vazirlar Mahkamasining 2016 yil yakunlari va 2017 yil istiqbollariga bag‘ishlangan
2. Вахрушев В. Принцип японского управления. 1.; FOZB. ; 1992
3. Джуель Л. Индивидуально-органическая психология.”Питер”.2001
4. Корнеги Дейл. Как завоевать и оказывать влияние на людей.-М. Прогресс, 1990.-712с
5. Фозиев Э.Ф. Тошимов Р. Бошқарув психологияси.Т.2001.